

«ЛУНОХОД-1» ОЙДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КЕЧА-17 НОЯБРДА
«ЛУНА-17» АВТОМАТ
СТАНЦИЯСИ ЕМҒИРЛАР
ДЕНГИЗИ РАЙОНИДА
ОЙ ЮЗАСИГА
ОҒИСТА ҚУНДИ.

ТАСС ахбороти
АВТОМАТ ТАДҚИҚОТЧИ ИШГА КИРИШДИ

1970 йил 17 ноябрда Москва вақти билан соат 6 дан 47 минут утганида «Луна-17» автомат станцияси Емғирлар денгизи районида Ой юзасига оғиста қўили.

Станциянинг қўниш босқичига Ойга мўлжалланган Узи юрар «Луноход-1» апарати ўрнатилган.

Космонавтика тарихида биринчи марта ердан бошқариладиган ва Ойга мўлжалланган автомат—Узи юрар аппарат Ойга чиқарилиши ва илмий тадқиқот ишларига киришди.

Станциянинг Ой юзасидаги белгиланган раёнга қўнишини таъминламоқ учун 16 ноябрда Ой атрофидаги фазода маневр ўтказилди. Бунинг натижасида станция Ой сатҳидан 19 километр яқин масофада эллиптик орбитага ўтди.

Ой сунъий йўлдошининг орбитадан чиқиш операцияси ва «Луна-17» автомат станциясининг Ой юзасига оғиста қўниши бир меъёрга солинган қўниш босқичи ёрдамида амалга оширилди.

Станция ойма қўндирилиб, ундаги борт системаларининг иши тегиштирилиб, Ой сатҳи қараб чиқилганидан кейин ердан берилган командага мувофиқ, Москва вақти билан соат 9 дан 28 минут утганида, автомат «Луноход-1» апарати махсус трапда «Луна-17» станциясидан туширилди. Узи юрар аппаратнинг Ойда бир жойдан иккинчи жойга қўчирилиши саккиз гилдиракли шасси ёрдамида амалга оширилди.

«Луноход-1» га ва қўниш босқичига Совет Иттифоқи Давлат Герби тасвирланган ва В. И. Ленин барельефи туширилган байроқ ва вимпеллар ўрнатилган.

Қўниш жойидан турли масофаларда Ой сатҳида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва эксплуатация характеристикаларини текшириш учун луноходга илмий аппаратлар, приборлар ва бошқариш, радио алоқаси ҳамда телеизион кузатиш системалари ўрнатилган.

Тинчлик мақсалларида космик фазони ўрганиш ва ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Совет—Франция битимига мувофиқ луноходда Франциянинг Ой лазер локациясида ишлатиладиган акс этирувчи апарати ўрнатилган.

«Луноход-1» қўниш босқичидан 20 метр масофага силжили ва планлаштирилган экспериментларни ўтказишга киришди.

«Луноход-1»нинг ҳаракати олидаги космик алоқалар марказида бошқарилаётган ва бунда аппаратнинг аҳоли тўғрисидаги ҳамда Ой сатҳи атрофидаги рельефининг характери ҳақидаги телевизион ахборотдан фойдаланилмоқда.

Телеметрик ахборот маълумотларига қараганда, «Луноход-1»нинг борт системалари нормал ишлаб турибди.

Совет фани автомат аппаратлар ёрдамида Ойни тадқиқ этиш учун янги самарали воситага эга бўлди.

КПСС XXIV съездининг муносиб кўтиб оламиз!

Беш йиллик план баजारилди

Чеварлар довон ошди

◆ ИККИ ОҒ ОЛДИН. ◆ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЯТИ ИЎЛДИ. ◆ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ҚўЛ КЕЛДИ. ◆ ҚўШИМЧА БУЮМЛАР.

Ленинча беш йилликда корхона ўзига хос йўлни босиб ўтди. 1-тикувчилик фабрикаси Сергели шаҳарчасининг бўйида этилиш билан 1968 йилда ташкил топди. Унга «Октябрь 50 йилга» номи берилди. Фабрика биринчи йилдан ошар маҳалли саноат бошқармасига қарашли корхоналар ўртасида пещида бўлиб келяпти.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш уч йиллик топширинг муддатидан икки ой олдин адо этилди. Маъмул имкониятлардан ва нақддан уюмда фойдаланиш ҳисобига илҳ охирига қўшимча беш юз миң сўмлик буюм беришга қарор қилинди.

Бүгүн

Чеварларнинг планда ташқари тайёрлаган буюмлари 200 миң сўмликка етди.

Ленин юбилейи йилида ишлаб чиқариш айниқса юксалди. Бу ютуқларга ихтисослаштириш йўли билан эришилди. Апрель ойидан бошлаб эркаклар шимчи тикиш чинарида бошланди. Р. Алметова бошлиқ 1-пехдаги эски типдаги тикув машиналари ўрнига конвейер ўрнатилди. Ҳозир унда 63 тикувчи ҳар кун икки юздан охириб буюм тайёрлаётган. Ишлаб чиқариш маданий йил асосидан тибора юксалди.

Техника тарақиётининг юксалтириш ва уларни мақолати кадрлар билан таъминлашга «Юлдаш» тикувчилик фабрикасининг коллектив корхонага янгидан ёрдам берди. Юзга яқин чевар «юлдаш»ликлар таърибасини ўргатиб қайтдилар.

Янги технология ва пелор иш методи узлуксиз жорий этилди. Модели ярим жу ва жу матолардан тайёрланаётган болалар ва эркаклар шими харидорларга маъмул бўлипти. Ишлаб чиқарувчилар савдо ташкилотларига «Бўлиб» урганишти.

Техника тарақиётини ишлаб чиқаришни юксалтиришга қандай ёрдам беришнинг биринчи мисоли ифода бўлиши мумкин. 1968 йилда бир миллион шими юз ўттиз тўққиз миң сўмлик маҳсулот реализация қилинган бўлса, юбилей йилида икки миллион етти юз йигирма етти миң сўмлик маҳсулот бериш учун курашилмоқда.

Чеварлар юбилей йили топширишлари ҳам ўрилди адо этилди. 1970 йил план қўшимча 305 миң сўмлик буюм бериш—коллективнинг партия XXIV съезди шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятда қайд этилган.

— Бу марра ҳам ағалланади, — дейди фабрика директори Ш. Ғуломов. — Чунки, социалистик мусобақани аниқ олдинги меҳнаткорларнинг йиллик топшириш 23 ноябрда бажариш учун курашилмоқда.

1969 йилда 3100 метр газлама тежаланган бўлиб, Шу йилнинг ўтган даврида эса беш миң метрдан зиёд газлама, 4 миң киловаттсоат электр энергия тежаб қилинди. Рационализаторлик тақдирларини жорий этишдан 10 миң сўмдан зиёд иқтисодий фойда олинди.

Бу ютуқларга коллективнинг фидокорона меҳнати тўғрисида эришилди, албатта. 39 ишчи Ленин юбилейининг «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди.

МУДДАТИДАН ЮЗ КУН ИЛГАРИ

Бүгүн

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг қарашли 6-қурилиш трестининг меҳнатсевар коллективи беш йиллик қурилиш ва монтаж ишларини муддатидан илгари бажарганини ҳақида гапга рапортин берди.

Трестнинг қурувчи ва монтажчилари Тошкент областининг қишлоқ жойларида муҳим объектларни бунёд этишда ажойиб меҳнат намунасини кўрсатмоқдалар. Ҳозирги пайтда улар 120 га яқин объектда қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Улар орасида Тошкентнинг янги ипподроми, «Эзортгестрой»нинг инженерлик корпуси, шағалларни майдалайдиган ва саралайдиган фабрика, министрлининг экспериментал-механика заводи бор.

Бүгүн

трест ишчилари Чиноддаги қум-шағал карьерининг биринчи навбатини давлат комиссияси дақиқатга ҳавола қилди. У ҳақда Тошкент шаҳар қурилиш учун йилга бир миллион йигирма беш миң кубометр қум ва шағал етказиб беради.

БИР КУН ШАҲРИМИЗНИНГ



Коммунистик меҳнат зарбдори Марья Савельева ва анчадан берн «Эрток» кондитер фабрикасида иловали меҳнат қилади. Бу меҳнатсевар аёл ўз топшириқларини мунтазам равишда ортиги билан адо этиш билан бирга қўлгина ёшларга қандолат тайёрлашни ҳам ўргатиб келмоқда.

СУРАТДА: ирис ишлаш агрегати машинисти Марья Савельева.

ОХИРГИ БУЮРТМА

Бүгүн

Тошкент лав-бўёқ заводи коллективни қардош Монғолия республикасининг бу йилги охириги—бююртмасини бажаришга киришди. Бу мамлакат учун янги, маҳил бўёқлар ва эмалларнинг катта бир партияси тайёрлаб юборилди.

Корхона шу йилнинг ушунданга ўз маҳсулотларини Сурия, Сомали, Яман ва Куба каби ўндан ортиқ мамлакатга юборди.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТГА

Польша Халқ Республикасининг фармацевтлари Тошкентдаги химия-фармацевтика заводига бююртма билан мурожаат қилдилар.

Бүгүн

қардош мамлакатнинг илтимосига йўра қорхонада витаминлаштирилган дорини—рутининг бир партияси тайёрланди.

Тошкент фармацевтларининг бу маҳсулоти биринчи мамлакатимизда эмас, балки чет эллардаги турли медицина муассасаларига ҳам манзуур бўлмоқда.

ПАРДОЗЧИЛАР ҒАЙРАТИ

«Партияимиз и и н г XXIV съездида муносиб армуғонлар тайёрлаймиз» — шаҳримиздаги пардозлаш трестининг 29 қурилиш бошқармаси коллективни аниқ шундай шпор осетида ишлаб муҳим кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Бошқарма ишчилари съезд шарафига бошланган вахтага қўшилиб, кўни кечда йиллик топширини бажардилар. Эндиликда улар келас илҳ иш соҳибага ишлашпти.

Пардозчиларнинг шу кундаги ғайрати жуда ўзгача. Улар университет кўчасида қанд қўлдан кўтарган 2га уй-ойиб биносининг тегирён қўлдан чиқариш учун мусобақани ҳар томонлама қизғинлигимизда. Уй битга 128 оила у ерда ҳовли тўйи ўтказилади.

ТЕХНИКА АХБОРОТИ КУНИ

Бүгүн

«Узгипросельстрой» да техника ахбороти кунини бунда. Бу тадбир Ўзбекистон ССР Давлат план комитети илмий-техника ахбороти ва пропаганда-справочниги фондидан тўлган материаллар асосида ўтказилди. Институт ходимлари Ўзбекистон ССР ахборотнинг ходимлари ўзлариники ахборотни муҳимлигини асослаш ва фойдаланиш ҳақида консултациалар беришди.

«Узгипросельстрой» ахборот хизмати ҳамда «Хлопкопробор» Давлат махсус конструкторлик бюросининг ходимлари ўзлариники ахборотни муҳимлигини асослаш ва фойдаланиш ҳақида консултациалар беришди.

«Узгипросельстрой» ахборот хизмати ҳамда «Хлопкопробор» Давлат махсус конструкторлик бюросининг ходимлари ўзлариники ахборотни муҳимлигини асослаш ва фойдаланиш ҳақида консултациалар беришди.

ДАВЛАТ АРБОБИНИНГ СИЙМОСИ

Бундан беш йил муқаддам Тошкентда бўлиб ўтган Хиндистон ва Покистон давлат бошларининг учрашуви тарихий воягача айланди. Бу учрашудда Хиндистон Бош вазири Лал Бахадур Шастри ва Покистон президенти М. Аюбон икки мамлакат ўртасидаги харбий можароларни бартараф этадиган тинчлик декларациясига ийзо чекдилар.

Тинчлик ишига муносиб хисса қўшган атоқли давлат арбоби Л. Шастри хотирасига бағишлаб шаҳримиздаги кўчалардан бири унинг номига қўйилди. Ҳозирги пайтда бу кўчада чиройли бинолар қад кўтарилмоқда. Ана шу кўчада Хиндистон давлат арбобининг сиёсий акс этилгандай ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Ҳайкалтарош Я. Шапиро Шастрининг образини яратиб устидаги ишларини илҳосига етказди

Бүгүн

вагонларга ортилган бир неча юз тонна олма марказий шаҳарларга юқатилди. Улар Москва ва Ленинград ҳамда Урал ва Сибирнинг меҳнаткорларига аталди. Куз ҳосилини жуғайтиришда Оржоникидзе ва Калинин районидagi хўжалиқларнинг деҳқонлари ҳиммат кўрсатдилар.

Бундан ташқари, мавсумда қўл шакарлар, та 48 миң тонна қовун-теревуз ҳам юборилди.



СУРАТДА: Ленин проспектининг бугунги жамоли.

ПОКИСТОНГА ДУСТОНА ҒРДАМ

Йиқинда Ю. Гагарин номида «Ташкентильмаш» заводи конструкторлик-монтаж бюросининг катта инжинерлари З. Цюлов ва А. Зявигица Покистонга қилган ўзоп мундағи командировкадан қайтиб келдилар.

Тошкент машинасозларининг вакиллари Шари мамлакатининг бир неча тўқимачилик қўбинатларида корхона машиналарини ўрнатиш ва уларни ишга тушириш билан банд бўдилар. У комбинатларда «П-60-5 М3», «ПН-100М» ва «К-83-2ТМ» маркали машиналар монтаж қилиниб ишга туширилди.

Айни пайтда Покистон мутахассислари Тошкент корхонасида ишлаб чиқарилаётган бу машиналарнинг ишлашини, илҳ унумини кўриб юксак баҳо бердилар.

ДУНЁ ХАВАРЛАРИ

Гвинеяда В. И. Ленин асарлари кўргазмаси

КОНАКРИ. [ТАСС]. Бу ердаги Конакри политехника институт биносида В. И. Ленин асарларининг кўргазмаси очилди.

Маориф ва маърифат ишлари давлат секретари Мамади Бейта кўргазмани очиб сўзлаган нутқидо В. И. Ленин асарлари бутун дунёда чуқур ўрганилаётганини уқдириб ўтди.

М. Кейта жаҳонда биринчи социалистик давлат асосини қўлади. Бу бундай ҳаётини одам одамни эхп. пнутада қилишнинг туга туғи учун курашишга бағишланганлигини айтиб, Гвинея Демократ партиясининг аъзолари Л. Масинга Демократ партиясининг сичкилаб ўрганишлари керак, деди.

ГАРБИЙ БЕРЛИН. (ТАСС). Бу ерда ўнг экстремистлар и и н г «Национал-либерал акция» деган ташкилот тузилди. Бу ташкилот Христиан-социал иттифоқ раиси Штраус раҳбарлик қилиб турган ва Фарбий Германияда иш олиб бораётган шу номдаги ташкилот мақсадини қўзлайди. «Национал-либерал акция» нинг таъсис йилида янги нацист Национал-демократик партиянинг ва турли реваншист бирлашмаларининг вакиллари «факхрий меҳмонлар» сифатида ҳозир бўлди.

ТОКИО. (ТАСС). Япония давлат темир йўллари маъмурияти шу йилнинг ёзида япон меҳнаткорларининг Япон — Америка хавфсизлиги шартнома сининг узайтирилишига қарши намойишларда қатнашган япон темирйўлчиларидан тағин 542 киши жазоланганлигини эълон қилди.

Улар турли жазоларга — ишдан четлатишга, маош ҳақини камайтиришга, вивговор бекчилишига, оғох-лантиришга ва бошқа жазоларга дунор бўдилар. Асосан давлат темир йўл ишчилари Умум Япония касабасоюз ва Умум Япония машинистларининг касабасоюз активлари шундай жазоландилар.

Чехословакия мебельнинг рабча мамлакатларида севиб харид қилдилар. Шунинг учун ҳам республика ишлаб чиқараётган мебуларнинг 25 процентга яқин экспорт қилинади.

СУРАТДА: Жилин шаҳридаги «Древкопромгредна» фабрикасининг цехлардан бирида. Стяпан Антон Майтанж «Люба» жонли тонасига комплектага кирадиган сояларни пардоздан чиқармоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

КАФЕДРА ТУХФАСИ

Тошкент Давлат университети чет эл адабиёти кафедраси олимлари тайёрлаган туғлам Осн ва Африка ёзувчилари конференциясига соғва бўлди. «Чет мамлакатлар билан адабий алоқалар тарихи, дан» деб номланган ушбу туғламда Шарк адабий хайтига оид кўпгина мақолалар киритилган. Кафедра ўқитувчиларидан В. Фаизованинг ўзбек ва монгол адабиётлари ҳамкорлигига Бағишланган «Икки адабиёт алоқалари», Л. Гургованин «Совет шерки ва 60-йиллар ардон прозаси проблемаси», «Сохиб Жамолнинг «Ғули сиб» романи ҳақида» ва бошқа адабий-илмий мақолалар диққат сазовордир.

ТИЛ БИЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Бундан бир неча йил муқаддам, Тошкент Давлат университети шарк факультети икхтиёрида арб. фурс ва хинд тилларини ўрганиш бўйича икхтиёрий курслар ташкил қилинган эди. Шундан бунди, бу курсларни 300 га яқин киши таомиллаб чиқди. Уларга тилини пухта ўзлаштирилганлиги ҳақида махсус гувоҳномалар берилди.

Бүгүн

курсларда янги ўқув йили бошланади. Қўллаб қишлар ўзларига нотинч бўлган исхрир тила сирларини ўрганишга киришадилар.

Уларга шарк факультетининг Э. Талабов, Р. Тиллабоев, М. Хўжаев, Н. Садиқов сингарни малакали ўқитувчилари дорс берадилар. Дарс довомида ўрганилаётган тил бўйича практик машғулотларга, бу тилда сўзлашувчи халқининг урф оддетлари, мамлакатининг иқтисодий-сиёсий ҳифасини ўрганишга ҳам катта эътибор берилди.

— Бу курсларга, — дейди ўқув ишлар мутасаддиси Р. Э. Ростоксая, — ташкилотлардан илмий муассасалардан юборилган ҳамда айрим тил билишга иштиёқманд кишилар қабул қилинадилар. Машғулотлар кечки пайтда бўлгани учун ишга зарари тегмайди, риелди.

Думалок стол атрофида

- ШАҲАРАИҚЛАР УХЛАГАНДА
- ЭФИРДА—БЕЗОРИЛАР
- УЧАСТКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҒАМХҲҮРЛИГИ
- БЕЗОРИ ВА ИЧКИЛИКБОЗЛАРГА ШАФҚАТ ЙҮҚ

МИЛИЦИЯ БҮЛИНМАЛАРИ ОРАСИДА, ЗИММАСИГА ШАҲАР КҮЧАЛАРИДА ВА ПОСЕЛКАЛАРИДА, ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ВА МЕХНАТКАШЛАРНИНГ ОММАВИЙ ДАМ ОЛАДИГАН ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВАЗИФАСИ ЮКЛАТИЛГАН АППАРАТГА АЛОҲИДА УРИН ВА РОЛЬ АЖРАТИЛГАН.

Яқинда «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКА БҮЛИМИ МАТБУОТ ГРУППАСИ ХОДИМЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ТАШҚИ ХИЗМАТ БҮЛИМИ РАҲБАРЛАРИ ВА ХОДИМЛАРИ БИЛАН ДУМАЛОҚ СТОЛ АТРОФИДА УЧРАШУВ УТҚАЗДИЛАР. УЧРАШУВ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ БУ БҮЛИМНИНГ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ИШЛАР БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИНИНГ ЭРНАХОСАЛИ МИЛИЦИЯ ПОЛКОВНИКИ В. С. ЗАЙЦЕВ ТАНИШТИРДИ.

— Бу бўлимнинг алоҳида роли шу билан белгиланади,— деб хикоя қилди ўртоқ Зайцев.— Унинг иши, оқойишталик посбонлари ўз вазифаларини қандай бежараётганликлари бўйича кўпинча бутун милиция фаолиятига баҳо берилди. Улар ҳаммиса кўпчилиги кўз ўнгига, одамлар орасидadır.

Милиция формасини кийган бу кишилар бичини бўлиб кутирган безорини тўхтатадилар, шоҳлар кўчаларини инсонлик қибчасини йўқотган ичкиликбозлардан тозалайдилар, бошига кулфат тушган кишиларга биринчи бўлиб ёрдам берадилар, қонини бузиш йўлига кирбошбошлаган кишиларни оғохлантирадilar.

Партия ва ҳукуматимиз ички ишлар органлари олдига қўйган талабларга жавобан, кенгайинган йилларда милициянинг шахсий состави сифат жиҳатидан сезиларли даражада ўзгарди. Эндиликда бизга маълумоти ўртадан кам бўлмаган, Совет Армияси софида яхши хизмат мактабининг ўтаган кишилар келаяпти. Уларнинг кўпчилигини партиясиз комсомол ташкилотлари, меҳнаткашлар коллективлари шу ишга йўллагаяпти.

Ешлар билан ёшма-ёш бизнинг сағларимизда ветеранлар ҳам хизматини давом эттиришяпти. Улар милиция ишига бир неча ўн йилни бағишлаган, биларга устоз, намуна бўлади, қишлар дур.

Бошқарма бўлимлари орасида хизмат бўлими шу билан ҳам ажралиб турадики, у шахримиздаги милиция ходимларининг энг катта отрадига раҳбарлик қиладди, унинг зиммасидоги вазифа ҳам жуда катта.

— Бўлим ходимлари нималар билан шуғулланишади?

— Бу—жиноий ишчи ҳал қилиш системаси ва хушёрона, санитария назорати ва радиобезори, лар, текннўрликка қарши кураш ва жамоатчилик билан ишлаш, кертннн хизмати ва муҳим давлат объектларини қўриқлаш, навбатчи бўлимлар ва патрүүл-корувуллик хизматиға раҳбарлик қиладилар.

Мен бугун сизларни бўлим фаолияти билан таништиришни патрүүл-корувуллик хизмати ҳақида хикоя қилишдан бошламоқчиман.

ҚОРДА ҲАМ, ЭМФИРДА ҲАМ...

Ҳа, бу кишилар тошкентликларга, айниқса, таниш. Кечкурун ишдан қайтаётганимизда ёки эриш тунда уйимиз деразасидан кўчага қараб, йилнинг ҳамма вақтида ва турли хил об-ҳаво шароитида шахримиз кўчаларидан мотопатрүүл ўтиб бораётганини қарай билишимиз кўраганимиз, дейсиз. Бу оқшом пайтида ва тунда шахримиз кўчалариде жамоат тартибини сақлашнинг энг самарали формалари ҳисобланади.

Мотопатрүүл тез ҳаракат қилиши ва ундаги ҳар бир экилмга эга бўлган радиоалоқа воситалари ту файли тартибини бузишнинг турли хил қўринишларини тезда анқилаш, жиноятнинг олдини олиш, кўчаларда қортиққа кишиларнинг бўлмаслиги учун яхши кураш олиб бориш мумкин бўлмаяпти.

...Оқшом тушунда мотопатрүүл милиционерлари—кичики сержант Қ. Рустамбеков ва А. Семениковлар маршрут бўйлаб секин ҳаракат қилиб боришветганимиз йўл ёқасидоги ерик ичида аёл кишининг инграган овозини эшитиб қолдилар.

Патруллер моточликни тўхтатиб, тевуш чиққан томонга қараб бориладар ва ариқ ичини кузата бошладилар.

— Бу ерда ким бор!— баланд овоз билан сўради Семеников.

Шу пайт жавоб ўрнига ўтлар орасидан бир йигит ириб туриб, қоча бошлайди.

— Саша, қарагин, бу ерда ўзи нима гап!— деб Рустамбеков қочаётган йигит орасидан куяди.

Жиноятчи бўлаётган милиционер номаълум одамга тезда етиб олиб, унинг елкасидан ушлади. Лева Октабр район суди олдида жавоб берди ва қилинишга яраш жоэланган.

Оқойишталик посбонлари тўғрисида гапирганда кўпинча ўз ҳаётини хаф остида қўйиб, халқка сикдиқилдан хизмат қилиш ҳақида қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Улар жазиромада ҳам, емғирда ҳам, қор ва бўронда ҳам ўз постлариде мардонев туриб, биринчи хабар бўйича кишиларга ёрдам беришга ошкдилар.

ларидан учиб бориб, воқеа содир бўлган жойда тўхтади ва атрофини прожектор нурлари билан ёритди.

— Экспертлар шу захотиёқ ишга киришиб кетдилар. Фотоаппарат эватори чиқилди, криминалистлар жарохати ўргано бошладилар. Бу вақт орасида Бабичева ва жиноий қидирув инспектори Равил Саҳобиддинов ўлдирилган кишидан топилган ҳужжатлар бўйича унинг шахсини анқиллашди.

Уларнинг текшириш натижасида жиноят яқинида содир бўлганлиги маълум бўлди. Дарҳол қотилнинг изидан тушиш керак эди... Бу ишга амалга ошириш осон бўлмади, лекин барибир тез вақт ичида қотил қўлга тушди. Шаҳар бўйича навбатчи нардад «базага қайтиб келди.

Шаҳар Ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмида ақли ва қанби билан ўзининг ташвишли кибига берилган ақойиб қишлар меҳнат қиладилар—деб жиноийи давом эттирди шу меҳнат бошлиги милиция подполковниги Петр Трофимович ГУРТОВЕНКО.— Лекин бунада кўп нарса сут-

Мисол учун, агар район бўлимларида жиноят қидирув БХС, тергов, паспорт ва бошқа хизматлар бўлиб, уларнинг ходимлари ўз мутахассисликлари доираси билан чағаралган вазифаларини бажарсалар, участка инспектори буларнинг ҳаммасини билиши шарт. Жиноятчи фощ этини, жиноятчини анқилаш, уни топиб, қўлга тушириш керак. Милиция ёрдами зарур бўлиб қолган қолда ҳам кишилар биринчи навбатда участка инспекторига мурожаат қиладилар.

Олти минг ақоли яшайдиган милиция лейтенанти Йўлдошев участкасида ҳам ишлар еянан шундай. Шунинг учун микрорайонда истиқомат қиладиганлар Депутатлари кучасида 5-уйин яхши билишади.

Думалок стол атрофидаги учрашууда ҳам милиция лейтенанти Эргаш Йўлдошев ўзи ҳақида тартибига гапирди:

— Милициядаги хизматимни 1944 йили бошлаганман. Бир неча участкада ишладим, бу ерда 1954 йилдан бери меҳнат қилман.

МЕҲНАТ МИЛЛИЦИЯ



Милиция лейтенанти М. Йўлдошев.



Милиция капитани А. Д. Иванов.



Милиция лейтенанти Р. Т. Сироежко.



Милиция подполковниги У. Ю. Юсуфов.



Милиция подполковниги М. Я. Бидер.



Милиция старший лейтенанти А. Т. Абдум.



Милиция старший лейтенанти З. М. Мolloв.



Милиция капитани Д. Фаннов.

калик нардад бошлиги — шахар бўйича навбатчи, нинг хизматни қандай ташчил қила олишига ҳам боғлиқ. Бу хусусда, айниқса, милиция даяориси Михаил Андреевич Аношин ва унинг ёрдмачиси милиция старший лейтенанти Исҳоқ Шариповнинг нардад намуналиклариди. Бу ерда «02» бўйича берилган тревогаго биринчи бўлиб жавоб берадилар, айниқ ва пухта ишлейдилар. Булар — операторлар В. Зобнина, М. Лёнова, З. Лукьянова, Л. Шилетова ва Л. Артюновалариди.

...Хизмат бўлимида шахар бўйича навбатчи милиция-майори Н. Капенкин, операторлар Е. Потолова, Л. Камолова, Т. Кутафина, В. Горюковенко, С. Жмихова, телетапистица В. Павловалар ҳақида жуда илиқ гапларни эшитиш мумкин. Техник-оператор А. Цацко ҳақида алоҳида гапириб керак, Ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмининг шаҳардаги барча нуқталар билан мунтазам алоқа қилиб туриши қўл жойхатдан унинг фаолиятига боғлиқ. «02» номерини терганлар ўша захотиёқ берилган:

— Шаҳар бўйича навбатчи эшитади!— деган жавоб учун ундан миннатдор бўлишса бўлади.

МИКРОРАЙОН МИЛИЦИЯСИНИНГ БОШЛИГИ

Еп-ўрғу, шинақтига уйинг қаврига қараманг, кўзингиз туяклардаги мекр билан парварши қилган гулларга тушади. Депутатсиза кучасига қараган дераза олдида участка инспекторининг кўнглили ёрдмачилари—бир неча мўйсифид суҳбатлашиб турибди. Инспекторнинг ўзи эса ўрта ёшлардаги аёл билан гаплагаяпти. Бугунги оқшом оқойишта ўтар, Фрунза район 1-оператив участкасининг навбатчилари столдаги журналларни шошилла ёрараклашар эди.

Тўсатдан, соат ўнларга яқинлашганда, кўчадан гурзиллаган оёқ товуши эшитилди. Эшик очилди, хонага пединститут ётоқхонасининг комендантчи ховлиқиб кирди.

— Эргаш Йўлдошевич, бахтсизлик!— икки студентни пичоқлаб кетишибди.

Участка инспектори аёлдан кекирим сўраб, келаси учрашув ҳақида келишиб олгандан сўнг, зудлик билан фуражкесини кижди. Узи билан икки дружиначини олиб, ҳодиса рўй берган ерга йўл олди.

— Бугун ҳам лейтенант мижна қоқмайидан бўлди,— деди мўйсифидлардан бири раҳми келиш, уларнинг ортдан эшик бекилиши билан.

...Ҳа, бугун ҳам тун бедор ўтқизилди. Участка инспектори Эргаш Йўлдошевнинг машаққатли милиция хизматиға бағишлаган йигирма олти йил хавтида бундай тунларнинг санаги йўқ. Мана бу сафар ҳам Йўлдошевнинг зудлик билан кўрган чоралари натижасида жиноятчи Тиркеш Зарипов қочиб қутулолмади. Тонгга яқин у қўлга туширилди.

Участка инспектори... Норасий равишда уни микрорайон милициясининг бошлиги ҳам дейишарди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки бу постда турган кишининг хизмат доираси беқиёс кенг,

Давомли танаффусдан сўнг эса гапга киришиб кетди.

— Мени яхши ишлайди дейишади. Эҳтимол шундайдир. Аммо Бунинг боиси кўнглили ёрдмачиларнинг менга яқиндан маёда беришида, ҳар оқшом оператив туякга «Депутатсиза» маҳалласидан оқсоқлар келишади, навбатчилик қилишди. Айрим ҳолларда кексалар мемага оғзи очибга ҳам йўл қўйишади. Безориликда айбланган ишмақсанинг шундай таъзирини беришадилар, у бошини ҳам кўтаролмай қолади. Кўпинча бундай тарбия воситаси—ўн беш сўтгага ҳукм қилишга нисбатан таъзирироқ бўлади. Менинг отахон ёрдмачиларим Юсуф Содиқов, Токенбой Мирзоалимов, Шоҳбой Марутоқоновларга айрим кунларда соат ўн икки ва ундан ҳам кеч қолиб навбатчилик қилишга тўғри келади. Уларнинг ҳар бирининг ёши олтинчи билан етимиш ўртасида. Энг актив ва ҳурматли Абдулла Шукроров эса етмиш олти ёшда. Абдулла ака ўзининг 1954 йили олган милиция ёрдмачиси гувоҳномеси билан фахрланади. Оперативдаги ҳамма ишларни, ҳатто мен оператив иш билан банд бўлган кунларда ҳам, шулар ташкил этишади.

Бундай кунлар эса тез-тез такрорланиб туради. Участка инспектори Эргаш Йўлдошев сўнгги вақтларнинг ўзидеги на бешта жиноий ишчи ўз вақтида фощ қилди. Участка инспектори шу вақт ичида содир бўлиши мумкин бўлган яна тўрт жиноятнинг олдини олди. Аммо бу ҳақида биз Йўлдошевнинг ўзидан эмас, участка инспекторларининг ишчи кузатиб бораётган ички ишлар бошқармаси хизмат бўлимининг катта инспектори милиция капитани Афанасий Данилович Ивановдан билиб олдик.

Афанасий Данилович ички ишлар район бўлими раидаги бошқа алочи инспекторларнинг номини ҳам айтиди. Биз Йўлдошев каби халқка синдиқилдан хизмат қилаётган офицерлардан айримларининга келтирмасиз ички ишлар Ҳамза район бўлимидан капитани П. Костин, Октабр районидаги майор С. Соилов ва майор А. Тўйчиев, Ленин районидан лейтенант В. Лисневский, Фрунза районидан капитани С. Фойибазаров, Киров районида капитани Қ. Ҳасанов, Қуйбўшча районидан старший лейтенант Х. Пардоев ва старший лейтенант Г. Зинченко. Кўнглили дружиначилар билан қўлини-қўлга бериб улар жамоат тартибини хушёрлик билан қўриқламоқдалар.

Тошкент шаҳар милициясининг ходимлари туну-кун совет конуничилигини химоя қилмоқдалар. Уларнинг диққат эътибори кўчаларда, бор ва хибонлардаги тартибузурларгагина эмас... эфирдаги тартибузурларга ҳам қаратилган.

ҲАВАСКОР ЭМАС, БЕЗОРИЛАР!

Эҳтимол газетхонлар, радиопрёмникларнинг бураб кўпинча «Сўнги эвборт» ўрнига, ҳақоратли сўзлар билан қўлиб-тошган маъносиз гапларни, кўноқларни қоматга келтирувчи қўблага электр гитараларнинг ох-войини эшитган бўлса-

лар керак. Бу — эфирга чиқиб олган навбатдаги радиобезорининг қилиши.

Шаҳримизда радиобезориларга қарши кураш ҳам Афанасий Данилович Иванов вазифасига киреди.

Радиозащитириш асбобларини тайёрлаш ва сақлаш, улардан фойдаланиш учун махсус рухсат бўлиши керак. Бу тадбир перадатчиқлар частотаси ва иш вақтинин тартибга солиш учун ҳам зарур.

Агар эфирда ўзбошимчиликка йўл қўйилса нималар содир бўлишини бир кўз олдингизга келтиринг. Самолётлар ва денгиз кемалари ўз курсларидан чиқиб кетар, темир йўл составининг ҳар бир сафарни халокат хавфи остида қолар эди. Радиобезориларнинг айби билан содир бўлган айрим фақулларда ҳодисалар бизга маълум.

СССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 6 апрелдаги Фармони радиозащитириш асбобларини конунига килор равишда тайёрлаш, сақлаш ва ундан фойдаланилгани учун жаза чораларинин назарда тутлади. Шу йилнинг ўзидеёқ биз уч юзга яқин радиобезорини анқилаб, уларни жавобгарлик тортдик. Эфирда «Ароқхўр» позивнойи — Калинин районидоги Ильич номли колхоз азвоси А. Чебриков, «Чавёи» ва «Фаришта» позивнойлари — 161-мактаб ўқувчилари И. Зипир ва А. Асанов, «Марсияна» — «Кизил тоғ» фабрикасининг ишчиси Л. Бондаренко, «Тошкент кўёши» — Марказий телеграф механиги А. Севочкин, «Интриган» — Тевосин кучасидаги 5-уйда истиқомат қилувчи Ф. Ли ўз фаолиятларини тугатдилар.

Уларнинг радиохаваскорлар деб атави бу киисалар қўлга тушган, одағдаёқкед бешиқчилик билан, «Биз ўз фаолиятимиз билан конуни бузаяётганимиздан мултоқо беҳабар эдик дейишадилар. Ҳатто «Радиобезорини» позивнойини танлаган электрон техника заводининг токари В. Камержевский ҳам ўзини айбсиз айбдордек тутуди. Ас-

УМУМХАЛҚ ИШИ

—Бизда асосан безориларнинг учун халқ суди томонидан 10 суткадан—15 суткагача қамалган кишилар сақланади—деди махмурий органлар томонидан қомоқда олинганларни сақлаш бўлимининг бошлиги подполковник Умар Йўлдошевнинг ЮСУПОВ.— Қамалганлар каттиқ режимда сақланади: қариндошларидан ва танишларидан озик-овқат ва посилка қабул қилинмайди. Бир кунда 33 тийин хисобиде овқатланадилар. Эрталаб нон ва 15 грамм қанд солинган чой, тушлиқда—шўрва, кечкурун—қуюқ овқат берилди. Уларга иш ҳам топилди. Безорилар кучидан ҳар хил фойдаланилади. Улар шаҳарни тозалашда, қўламзорлаштиришда ишлайдилар. Айрим ҳолларда «айбдорлар» ўзлари ишлаб турган қорхонага юборилди. Бу тадбир уларга тарбиявий томондан яхши таъсир этмоқда. Ҳақдаги ўртоқлар билан учрашиш безорилар қилган киши учун нуқулай, албатта. Биз безорилик ҳатти-харакати учун 15 суткага қамалган хўшхалк буюмлар заводининг ишчиси Акромов Умар Азимовга нисбатан шундай чора қўладилар. Улар 15 кун мобайнида завод территориясини тозалоб юришди.

Бу ерга келган безорилар ҳақида уларнинг иш жойига албатта хабар қилинади. Иш жойида эса уни тарбиялайдилар. Шунинг билан бир қаторда айрим корхоналар бизнинг сигналларимизга унча эътибор берадилар. Бу эса, ўз навбатида, безориларни тарбиялаш ишини кийинлаштиради. Масалан, бу йил «Ташкентбел» заводининг раҳбарларига безорилар ҳақида 84 та хат йўллади, хатмизга аттиги тўртта жавоб олди. «Узбекистон» заводининг раҳбарлари ҳам ўз ишчиларининг номусиб ҳатти-харакатларига унча эътибор беришмапти. 21 айбдор атиги олти киши коллективга ўртасида муҳокама қилинган.

Бизингча айрим қорхоналарнинг махмурияти, тартиби ва қасба союз ташкилотларининг раҳбарлари безориликка қарши курашиш умумхалқ иши эканлигини, бу ишдан хеч ким четда қолмаслигини унутиб қўйишга ўхшайдилар. УШТЕРКОНАЛАР ХИЗМАТИ БУЛИМИНИНГ БОШЛИГИ ПОДПОЛКОВНИК МИХАИЛ ЯКОВЛЕВИЧ БИДЕР ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ҲАҚИДА ҚУРДАГИЛАРНИ ГАПИРДИ:

— Шаҳарда тўртта қушаркна Бор. Тўғрисики айтадган, нимини ҳар кимга ҳам ёқавермайди. Инсонлик қибчасини йўқотган кишилар билан иш олиб боришга тўғри келади. Ходимларимиз автомашинада шаҳар бўйлаб юрадилар ва маст-эласт кишиларни йиғиб келадилар.

Мақсадимиз—жамоатчиликни мастлардан муҳофазат қилиш, ўз навибатда маст бўлиб учиб қолган кишиларни жиноятга йўлга кирган кишилардан сақлашдир.

Хушёрхона келтирилган мастлар медицина кургидан ўтади. Улар ҳақдаги жамоатчилик гувоҳлигинда протокол тузилади. Одағда келтирилган мастларнинг 80 процентининг ённда хужжат бўлмайдилар. Улар хушёрхона ходимларини қалғинга туринадилар.

Лекин, биз улар айтган иш жойи ва уй адресини синчиклаб текширишимиз. Кейин шу шахс ҳақида унинг иш жойига хабар қилинади. Иш жойида унинг ҳатти-харакати, жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинади.

Тажрибавар шунин кўрсатдики, ходимларимиз кўпчилик ҳолда маст-агастларни сувда ходимларни ичимликлар сотиш қондасини биздан жойдан олиб келадилар. Заводлар, кўришлилар билан ёнма-ён вину ва ароқ сотадиган магазинларнинг бўлиши шундай ёмон оқибат бермоқда. Бунга қўлаб мисол келтириш мумкин. «Компрессор» заводи ённда ишлаб турган магазиндан истеган пайтингизда спиртлик ичимлик сотиб олишингиз мумкин. Шунингдек, 1-автосервонт заводида ҳам спиртли ичимликлар савдоси аяқда. Бундай ахвол билан мурасозлик қилиб бўлмайди.

Маст-эласт кишилар хужжатики тўғри расмийлаштиришда ва уларга хизмат қилишда Ҳамза райониде иш яхши йўлга қўйилган. Бу ҳақида старший лейтенант АБДУРАЗОҚ АБДУМУМНОВ шундай дейди:

—Биз фақат маст бўлиб учиб қолган кишиларни келтириш билангина чекланиб қолмаймиз. Қорхоналарда қуришиш ва ташкилотларда профилактика ишларини олиб борамиз. Алкоголнинг зарари ҳақида лекциялар қўйимиз. Ичкиликбозлик қандай оқибатларга олиб келватганили ҳақида райоимизга тилсолоди мисоллар келтирмасиз. Натижанда кўчаларда жиноят қилиш ўтган йилдаги нисбатан 38 процент қамайди.

ШАҲРИМИЗ ОЗОДА БҮЛСИН

—Ез бўйи шаҳар озодалиги учун кўп иш қилишга тўғри келади. Шаҳримизнинг озода тутиш учун курашиб, савдо ва унум оқаётганиш қорхоналариде ақоли ишайдиган кварталлар ва маҳалларда иш олиб бориш. Асалат унум қўйган шахсларга жарима солинди. Масалан, Чилонзор районидоги 36, Киров районидоги 110/87, Қуйбўшча районидоги 26-ва бошқа кўнглига мағизин, ларда санитария қондалари бузилганлиги учун беритиб қўйилди.

Паста, бодроқ, манти қила оёқлар билан чакана савдо қилувчи шахсларга қарши кураш олиб борилди.

Шаҳримиздаги кўча ва хонадонларда ифлос тутувчи айрим граждандарга қатий эътирозимиз бор. Масалан, Кооператив кўча, 3-уйда яшовчи А. Ҳодиев чиқиндиларни тўғридан-тўғри кўчага чиқариб ташлаган. Ломоносов кўча, 51-уйда турувчи С. Манин ва Амбугвория кўча, 7-уйда турувчи Н. Литвиновлар ахлатни белгиланган жойга тўймадилар.

Тошкент шаҳри унда яшовчиларнинг ҳаммаси учун бирдек, шу бонсдан шаҳримизни озода тутиш учун қайгурайлик!

«Думалок стол» атрофидаги сўхбатни Тошкент шаҳар микроян комитети Ички ишлар бошқармаси профилактика бўлими матбуот гуруписининг ходими А. ЕСЬКОВ ва «Тошкент оқшом» газетасининг ходими В. ЕМЕЛЬЯНЦЕВ олиб борди.

ХАБАР БЕРИЛГАН ЗАҲОТИЁҚ...


Пульда сигнал лампочкеси ёнди — оператор қақираётган эди. Шаҳар бўйича навбатчи милиция капитани Сергей Бабичев трюбкани олди.

— Эшитман!

Трубкадан шошиб гапирган одамнинг овози эшитилди.

— Хизматинга номаълум бир гражданин «02» бўйича хабар бериб, Заркент кучасидаги 65 уй ённидаги ариқда бир эркак кишининг жасоди топилганлигини айтди.

— Тушунарми Бабичев 00 соатда хабар берилаётганини белгилаб, микрофонин олди ва нардад бўйича навбатчини қақирди. Бир дақиқадан кейин оператив машина шахаринг бум-бум кўча.



Тошкентликлар н и н ё оқойишталиги учун бугун шаҳар бўйича милиция майори коммунисти Р. Мақсудов жавоб беради. Навбатчи ўз ёрдмачиси — хизмат алоқчиси, милиция капитани С. Бабичев билан бирга ҳар қандай хабарни қабул қиладилар.


А. Карпосов милицияга Тошкент трактор заводи коллектив ва комсомол ташкилотининг йўлланмаси билан келган.

А. Еськов фотолари.



Тошкент шаҳар микроян комитети Ички ишлар бошқармаси профилактика бўлими матбуот гуруписининг ходими А. Еськов ва «Тошкент оқшом» газетасининг ходими В. Емельянцева олиб борди.

КАТТА ФУТБОЛ СОВРИНЛАРИ



«ПАХТАКОР»ДА ФУТБОЛ.

Футбол бўйича XXXII мамлакат биринчилиги тугади. Чемпион эса ҳамон аниқлангани йўқ. Янги чемпион қўшимча учрашувдан сўнг маълум бўлади. Аммо бошқа совринларнинг эгалари аниқланди. Бугун биз газетхонларни бу йилги катта футбол совринларининг эгалари билан таништирамиз.

ЙИРИК ҲИСОБ БИЛАН

«Советский спорт» газетасининг ҳафталик «Футбол» иловаси (ҳозирги Футбол-Хоккей)нинг «Йирик ҳисоб учун» соврини 1961 йили таъсис этилган бўлиб, мамлакат биринчилиги учрашувларида 3 ва ундан ортиқ тўп фарқи билан энг кўп галаба қозонган командага берилди. «Футбол-Хоккей» ҳафталик иловасининг бу совринини ўтган давр ичида қуйдаги коллективлар кўлга киритдилар: 1961 йили — «Динамо» (Би-

лиц) — саккиз галаба, 1962 йили — «Спартак» (Москва) — етти галаба, 1963 йили — АСК (Ростов-Дон) — саккиз галаба, 1964 йили — «Торпедо» (Москва) — олти галаба, 1965 йили — «Динамо» (Киев) — беш галаба, 1966 йили — «Динамо» (Киев) — тўққиз галаба, 1967 йили — «Динамо» (Киев) — олти галаба, 1968 йили — «Динамо» (Москва) — етти галаба.

Утган йилги «Йирик ҳисоб учун» совринини чемпионда йирик ҳисоб билан 5 галаба қозонган Киев динамочилари кўлга киритган эдилар.

Бу йил «Футбол» — Хоккей соврини мамлакат экс чемпионлари — Москва спартакчиларига топширилади. Уларнинг ҳисобида бундай галабалардан тўрттаси бор. Москва ва Тбилиси динамочилари ҳам тўрттадан йирик галабага эришганлар, аммо бу командаларнинг киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати (маъжур учрашувларда) бир-мунча ёмонроқ.

ЭНГ МЕРГАН ҲУЖУМЧИ

«Труд» газетасининг бу соврини 1958 йили таъсис этилган. У мамлакат биринчилиги ўйналарда энг кўп тўп киритган футболчига топширилади. Утган давр ичида совринни 14 спортчи кўлга киритишга сазовор бўлди.

«Труд» редакциясига уч марта — 1960, 1962 ва 1963 йилларда икки каттадан соврини топширишга тўғри келди. Фақат тўққизлик З. Калоев ва Москва торпедочиси Г. Гусаров қаторасига икки йил совринни кўлга киритишга муваффақ бўлганлар. Яна бир футболчи ростовлик О. Копаев ҳам икки марта соврини эгаси бўлган. У бир йил таваффуф билан 1963 ва 1965 йилларда энг мерган ҳужумчи номини олган. Копаевнинг 1963 йилги

натijasи — 27 тўп голларнинг энг юксак натижаси ҳисобланади.

Бу йил «Труд» газетасининг соврини мамлакат биринчилиги ўйналарда 17 тўп киритган Тбилиси динамочиси Гия Нодияга берилди.



Б. Абдураимовни дўстлари киритилган гол билан табриқлашмоқда. Н. Надежин фотолари.

ВИКТОР БАННИКОВ

1960 йилдан бери «Огонек» журнали редакцияси таъсис этилган соврини мавсумнинг энг яхши дарвозабонига топширилади. Журналнинг фахрли мукофоти эгалари билан таъиннинг: 1960 йил — Л. Яшин, 1961 йил — В. Маслаченко, 1962 йил — С. Котрицадзе, 1963 йил — Л. Яшин, 1964 йил — В. Банников, 1965 йил — А. Казазашвили, 1966 йил — Л. Яшин, 1967 йил — А. Казазашвили, 1968 йил — Ю. Пшеничников, 1969 йил — Е. Рудаков.

Бу йилги чемпионатда «Торпедо» (Москва) командасининг дарвозабони Виктор Банников энг яхши дарвозабон номини олди.



1970 йилнинг энг яхши дарвозабони В. Банников ўйнаётганда.

«СМЕНА» ЛАУРЕАТЛАРИ

1964 йилдан бери «Смена» журналининг редакцияси мавсум тугагандан сўнг биринчилиги энг яхши дебютантларини аниқлайди. 1968 йили «Пахтакорнинг» ҳужумчиси Т. Исоқов журналнинг лауреати бўлган эди.

«Смена» журналининг бу йилги 11 лауреати қуйдаги футболчилардан иборат: дарвозабон — Владимир Пильгуй («Динамо», Москва); ҳимоячилар — Владимир Загумених («Зенит»), Виктор Зяглицев («Шахтёр»), Александр Миронов (АСК), Шота Хинчашвили («Динамо», Тбилиси); ярим ҳимоячилар — Виктор Долгов (МАСК), Владимир Уткин («Динамо», Москва); Владимир Курнев («Динамо», Минск); ҳужумчилар — Валерий Абрамов («Торпедо», Москва), Владимир Ошниченко («Динамо», Киев) ва Юрий Родников («Пахтакор», Ташкент).

ЯХШИ НИСБАТ УЧУН

Украинада чиқарилган «Старт» журнали редакцияси соврини фақат «А» классининг биринчи гуруҳга мандалари ўртасидангина эмас, иккинчи гуруҳга мандалари ўртасидан ҳам ўйналадиган катта футболнинг ягона соврини эди. У 1966 йили таъсис этилган бўлиб, мамлакат биринчилиги ўйналарда ўтказиб юборилган ва киритилган тўплар нисбати бўйича энг яхши нисбатни эълан қилган командага топширилади. Совринни 1966 ва 1967 йилларда Киев динамочилари кўлга киритишди. 1968 йили

эса соврин «А» классининг чифтасидан украинча мандалари «Барнаби» (Львов) га насиб қилди.

Утган йили соврин эгаларини унинг фақат Олий лига командаларига топширишга дардор қилдилар. Уша йилги совринни Москва «Спартак» командаси кўлга киритди. Москваликлар рақиблар дарвозасига 51 тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 15 тўп ўтказиб юборган эдилар.

Украин журналнинг бу йилги мукофоти Марказий Армия Спорт Клуби футболчиларига берилди. Уларнинг тўплар нисбати +29.

И К К И СОСТАВДА

1958 йили таъсис этилган СССР футбол федерациясининг бу соврини асосий ва дублерлар состави билан биргаликда энг кўп очко тўплаган командага топширилади. Утган 12 йил ичида бу соврини Киев динамочилари кўпроқ кўлга киритдилар. Киевликлар беш марта — 1960, 1963, 1966, 1967, 1968 йилларда бу мусобақада биринчи бўлдилар. «Динамо» (Киев) коллективининг 1968 йилги эришган натижаси — 125 очко — ҳозирча рекорд ҳисобланади. Шу йилги команданинг асосий состави 57 очко ва дублерлар состави 63 очко тўплаган эди. Совринни Москва спартакчилари уч марта (1958, 1961, 1962 йиллар), динамочилари (1963), торпедочилари (1959) ва Тбилиси динамочилари (1964) бир мартадан кўлга киритганлар.

Бу йилги мавсум якулини бўйича, СССР футбол федерациясининг соврини ишончи марта Москва «Динамо» командасига топширилади. Москваликлар жамми 93 очко (асосий состав билан — 45 очко, дублерлар состави билан — 48 очко) тўпладилар.

ГРИГОРИЙ ФЕДОТОВ НОМЛИ

Ватанимиз футболининг 60 йиллиги нишонлаган 1958 йил Марказий армия спорт клуби махшур совет футболчиси Григорий Федотов номидан соврини таъсис этилган эди. Бу соврин СССР биринчилигида рақиблар дарвозасига энг кўп тўп киритган командага берилди. Утган 13 йил ичида бу фахрли мукофотни олти клубга олганига муваффақ бўлди: 1958 йили — «Спартак» (Москва) — 55 тўп, 1959 йил — «Динамо» (Тбилиси) — 48 тўп, 1960 йили — «Динамо» (Тбилиси) — 67, 1961 йили — «Торпе-

до» (Москва) — 68, 1962 йили — «Торпедо» (Москва) — 64, 1963 йили — АСК (Ростов-Дон) — 73, 1964 йили — «Торпедо» (Москва) — 52, 1965 йили — «Динамо» (Киев) — 66, 1967 йили — «Динамо» (Москва) — 55, 1968 йили — «Спартак» (Москва) — 64, 1969 йили — «Спартак» (Москва) — 51 тўп.

Рақиблар дарвозасига 50 тўп киритган бойхат динамочилари Григорий Федотов номли соврининг бу йилги эгалари бўлишди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ЭНГ КУЧЛИ ДУБЛЕРЛАР

СССР Министрлар Совети қоидаги физкультур ва спорт вазирлигининг бу соврини 1946 йили таъсис этилган. У дублерлар мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган командага берилди. Утган чорак аср ичида Москва «Спартак» командаси бу мукофотни энг кўп марта кўлга киритди. Спартакчилар саккиз марта мусобақа голини бўлганлар.

Бу йилги чемпионатнинг дублерлар мусобақасида Москва «Динамо» командасининг ўринбосарлари биринчилиги эгалладилар.

АГРЕССИВ МЕҲМОН

«Агрессив меҳмон» соврини 1966 йили Украина ешлар газетаси «Комсомольское знамя» редакцияси томонидан таъсис этилган. У ўзгалар майдонда энг кўп очко олган командага берилди. Фахрли мукофотнинг биринчи эгалари — Киев динамочилари бўлишди. Келас йили эса уни Москва динамочилари кўлга киритишди. Яна бир йилдан сўнг соврин Киевга йили Украина ешлар газетаси «Комсомольское знамя» редакцияси томонидан таъсис этилган. У ўзгалар майдонда энг кўп очко олган командага берилди. Фахрли мукофотнинг биринчи эгалари — Киев динамочилари бўлишди. Келас йили эса уни Москва динамочилари кўлга киритишди. Яна

СОВЕТСКАЯ РОССИЯ

газета редакцияси 1962 йили таъсис этилган «Галабага прода учун» соврини кўлга киритиш учун ўтказиб туриб, энг кўп ўрашувда галаба қозониш шарт. Утган вақт ичида совринни кўлга киритган командалар рўйхати билан таъиннинг: 1962 йил — «Спартак» (Москва), 1963 йил — «Спартак» (Москва), 1964 йил — «Динамо» (Москва), 1965 йил — «Динамо» (Москва), 1966 йил — «Нефтяник» (Бонув) ва «Кайрат» (Олмаота), 1967 йил — «Динамо» (Москва), 1968 йил — «Динамо» (Киев), 1969 йил — «Динамо» (Москва).

Бу йилги мавсумда Ростов-Дон шаҳрининг Армия Спорт Клуби энг иродали команда деб таъинланди. Ростовликлар уч ўрашувда

ГАЛАБАГА ИРОДА УЧУН

ўтказиб туриб, сўнгра галаба қозондилар. Жумладан, Москва спартакчиларини 3:1, «Черноморец»ни 2:1 ва Тбилиси динамочиларини 2:1 ҳисоби билан мағлубиятга уратдилар.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—18[Х] да Дон Кихот (премьера), 19[Х] да Риголетто. ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—18[Х] да Аллонларим, 19[Х] да Парвона. МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—18[Х] да Қизбулон, 19[Х] да Қайнона, 20[Х] да Кумуш тўй.

Кино

18 НОЯБРДА
Чайковский (2 серия)—САҒЪАТ САРОНИ (кечурун).
Пан Володеский—ЎЗБЕКИСТОН, «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кечурун).
Машинхонали масофалар (кеч 8.45 минутада), Қора лала (кеч 7 ва 10 яримда)—ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ.
Дарвозабон (кеч 5 ярим ва 9 да), Гилам ва қаллоб (кеч 7 яримда)—«МОСКВА».
Муҳлат 7 кун—«ВОСТОК» (кечурун).
Гул ва тош—НАВОНИ номли (кечурун).

19 НОЯБРДА
Чайковский (2 серия)—САҒЪАТ САРОНИ (кечурун).
Пан Володеский—ЎЗБЕКИСТОН, «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кечурун).
Машинхонали масофалар (кечурун) 8.45 минутада, Қора лала (кечурун) 7 ва 10 яримда.—ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ.
Дарвозабон (ортаб соат 10, кундуз 2, кеч 5 ярим ва 9 да), Гилам ва қаллоб (кундуз соат 12, 4, кеч 7 яримда)—«МОСКВА».
Муҳлат 7 кун—«ВОСТОК» (кечурун).
Гул ва тош—НАВОНИ номли (кечурун).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Киров кўчаси, 11-ун)

«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»
ЕШЛАР КОЛЛЕКТИВИ АРТИСТЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

Кизиларли цирк томошалари,
Томошалар кеч соат 8 да бошланади.
Шанба кунлари; кундуз соат 3 ва кеч 6 да;
яшанба кунлари; кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.
Олдиндан бивет сотиш насаси эрталаб соат 11 дан очил.

ТЕЛЕВИЗОР

18
НОЯБРЬ
ЧОРШАҒБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Ҳужумчи учун, «Отларимиз масжароти» (Ўзбек тилида).
Рус тилида: 18.40 «Ахборот» информатсион программаси, 18.55 Композитор Л. Ветховен тугалган кўннини 200 йиллигига бағишланган музикали кўрсатув, 19.15 Спорт эштинтириши.
Ўзбек тилида: 19.55 «Ахборот» информатсион программаси. 20.10 «Ешдик» студияси кўрсатади, «Қалб даявта» билди, 20.40 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА «Ошиқ-ошиқ индустрияси», 20.55 Икромжон Бурунов кўлаяди, 21.35 «Олиқ» юрлар садоси, Бидий фильм, 23.10 Кўрсатувлар программаси.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
18—19 НОЯБРДА
М. ҚОРИҚУВОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТИ

КАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артистлари КҲНДУЗ МИР. ҚАРИМОВА, МУҲАММАДИЖОН МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ССРда кизмат кўрсатган артистлар: Намтар ОТАБОВ, ЕВ. Махмуд МУҲАМЕДОВ, Гофур АЗИМОВ, Сайфидин ИҲЛОДШЕВ, Виллоят ОШИДОВА.
VI Жаҳон фестивалининг лауреати Анвар РУСТАМОВ;
Солнствлар: Алишан ҚАСАНОВ, Гулшод ОТАБОВА, Хадича АЛИ, МАРДОНОВА ва бошқалар.
Программани Назарулла ҲУСНОВ оlib боради,
Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Виллотлар концерт зални насасида кундуз соат 3 дан сотилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

18.00 «Мадина-қурбона», Водалар учун муалфим (рус тилида). 18.40 «Лалаларим овчи», Бадий фильм, (Ўзбек тилида).

МОСКВА КўРСАТАДИ

19.55 Янгилар, 20.05 Билдинг беш илдин, 20.35 Ҳужумчи учун музикали программа, 21.00 Янгилар, 21.05 Социализм дуниси, 21.40 Рангли телевидение, «Отлар ва болалар» Бадий фильм, 23.30 «Вақт» информатсион программаси, 24.00 Рангли телевидение, «Қиллоқ буллаб», Ларие сахналар, 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Кундузи сеансга йикити» билот, Бадий фильм, 21.35 «Тезқадим чемпилар», Илмий-оммалот фильм, 21.55 Фильм-концерт.

19
НОЯБРЬ
ПАЙШАҒБА

РАКЕТА ҚУШНИЛАРИ ВА АРТИЛЛЕРИЯ КҲНИ БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.
Рус тилида: 18.00 Вугуни—Ракета қушчилари ва Артиллери

РАДИО

18
НОЯБРЬ
ЧОРШАҒБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда» (русча), 18.10 Я. Витоль, Латвия темаларида бағишланган фантазия, 18.40 Спорт эштинтириши (русча), 19.20 Қоқон кўлави, 20.00 «Ўзбекистон илгинчи» радиожурнали, 20.30 Силот ҳодимлари учун концерт, 21.00 Халқаро мавзуларда сўхбат, 21.10 Пахтакорлар учун концерт, 21.35 «Саломатлик—туман бойлик» (Ўзбекча), 22.20 Бирин кўнчилари, 22.40 Шерият нечаси (Ўзбекча), 23.15 Ўзбекистон композиторларининг лирик кўнчилари, 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Н. Акбаров, Сиринча ва оркестр учун концерт, 19.30 «Менинг Ватаним», Адабий-музикали композиция, 20.00 Тоғки кўлави, 20.30 Н. Пейко, Фортепьяно ва оркестр учун концерт, 21.00 «Қардош халқлар адабиети», Ракуз Раа, «Нисон маҳди» (Ўзбекча), 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 Н. Погодин, «Суръат» радиостановчаси (русча).

«Гулшод» журнали коллективни редакция ходими А. Қажимжоновга етаси
Гафур
ҲАМИМЖОНОВНИНГ
вафот этганини муносабатин билан чуқур таъзия ифҳор қилади.